



## ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ МАЪМУРИЙ ХУҚУҚБУЗАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ МУРОЖААТЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Бабаханов Ҳамдам Қадамович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси  
Хуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти кафедраси  
ўқитувчиси, майор.

Мустафаева Нилуфар Фарход қизи  
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги  
таълим Хуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти  
ихтисослиги бўйича таълим олаётган 3-ўқув курси 315-  
ўқув гуруҳи курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17746435>

### ARTICLE INFO

Received: 11<sup>th</sup> November 2025  
Accepted: 12<sup>th</sup> November 2025  
Published: 28<sup>th</sup> November 2025

### KEYWORDS

Профилактика  
инспектори, маъмурий  
хуқуқбузарлик, мурожаатлар,  
хуқуқий механизмлар,  
самарали кўриб чиқиш.

### ABSTRACT

Мақолада профилактика инспекторларининг маъмурий хуқуқбузарликлар тўғрисидаги мурожаатларни кўриб чиқишдаги фаолияти таҳлил қилинади. Унда мурожаатларни самарали ва хуқуқий жиҳатдан тўғри кўриб чиқиш механизмлари, мавжуд муаммолар, халқаро илғор тажрибалар ва улардан фойдаланиш имкониятлари таҳлил қилинади.

Фуқароларнинг давлат органларига эркин мурожаат қилиш хуқуқи ҳар қандай хуқуқий-демократик жамиятнинг ажралмас белгиси ҳисобланади. “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси” [1] нинг 33-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган ушбу хуқуқ, фуқаролик жамияти ва давлат ўртасидаги ишончли таъминловчи муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Айниқса, бу хуқуқнинг амалий рўёбга чиқиши ички ишлар органлари тизимида, жумладан, профилактика инспекторлари фаолиятида муҳим амалий аҳамият касб этади.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-хуқуқ соҳасидаги ислохотларининг устувор йўналишларидан бири — фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш тизимини такомиллаштиришдан иборат бўлиб, бу жараёнда профилактика инспекторлари асосий ўринни эгалламоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги

«Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»[2]ги 2017 йил 10 апрелдаги ПФ-5005-сонли Фармонида ички ишлар органларининг мурожаатлар билан ишлашдаги камчиликлари танқид қилинар экан, жойларда фуқаролар билан самарали мулоқотни таъминлаш, мурожаатларни ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқиш зарурлиги қатъий таъкидланган.

Профилактика инспектори бу жараёнда фақат ахборот қабул қилувчи эмас, балки жамиятдаги муаммоларни дастлабки босқичда аниқловчи, хуқуқбузарликлар профилактикасида ҳал қилувчи ўрин тутадиган шахсдир. Ўзбекистон Республикаси

Президентининг 2017 йил 14 мартдаги

«Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» [3]ги қарори ПҚ-2833-сонли қарорида айнан профилактика инспекторининг аҳоли билан ишлаш, мурожаатларда кўтарилган масалаларни жойига чиқиб ўрганиш ва тегишли чоралар кўриш вазифалари аниқ белгилаб берилган.

Мурожаатлар билан ишлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат сиёсатининг «инсон қадрини учун» тамойили асосида шаклланиб бораётганини кўрсатади. Бу эса профилактика инспекторидан нафақат ҳуқуқий билим ва малака, балки ахборотни таҳлил қилиш, мулоқот маданияти ва ташкилий қобилиятни ҳам талаб қилади.

Мазкур ўқув қўлланмада профилактика инспекторларининг жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлашдаги фаолияти ҳуқуқий ва амалий жиҳатдан ҳар томонлама таҳлил этилади. Қўлланмада қуйидаги йўналишлар қамраб олинган:

- мурожаатларни қабул қилиш, қайд этиш ва кўриб чиқишнинг ҳуқуқий асослари;
- мурожаатларни шакл ва турларга кўра таснифлаш усуллари;
- жиноят ва ҳодисалар тўғрисидаги ариза ва хабарларни расмийлаштириш тартиби;
- муаммоларни жойига чиқиб ўрганиш ва тегишли чоралар кўриш;
- фуқаролар билан ишончли мулоқот ўрнатиш ва ижтимоий профилактика тадбирларини ташкил этиш.

Шунингдек, қўлланмада амалдаги қонунлар («Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида», «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида» ва бошқалар), Президент фармон ва қарорлари, Бош прокуратура ва ИИВнинг қўшма қарорлари ҳамда ички ишлар органларининг идоравий буйруқлари таҳлилий тарзда баён этилади.

Маълумки, ҳар қандай соҳавий фаолиятнинг мазмунини англаш ва уни тўғри ташкил этиш, аввало ушбу фаолиятда қўлланиладиган атамалар

ва ҳуқуқий тушунчаларнинг аниқ таърифланишига боғлиқ. Жисмоний

ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш жараёнида ҳам профилактика инспекторлари қатор ҳуқуқий, ташкилий ва амалий тушунчаларга таянади. Ушбу тушунчалар мурожаатларни қабул қилиш, кўриб чиқиш, тегишли органларга йўллаш, мурожаатлар юзасидан тегишли идоралар билан ҳамкорликни таъминлаш, ҳуқуқий асосда баҳолаш

ва қонуний қарор қабул қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Бу фаолиятдаги долзарб атамаларни қуйидагича шакллантириш мумкин:

**Жисмоний шахс** — Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, бошқа давлатларнинг фуқаролари, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахслар тушунилади.

Агар қонунда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, ушбу Кодекснинг қоидалари барча фуқароларга нисбатан қўлланилади (Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 16-модда).

**Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини тасдиқловчи ҳужжатлар** —

Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти, идентификацияловчи картаси ёки Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги мавжуд эканлигини кўрсатувчи бошқа ҳужжат Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини тасдиқловчи ҳужжатдир.

Қуйидагилар ўн олти ёшга тўлмаган боланинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини тасдиқловчи ҳужжатдир:

туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ёки маълумотнома (боланинг туғилган жойидан қатъи назар) — ота-онасидан бирининг Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги мавжуд эканлигини кўрсатувчи паспорти, идентификацияловчи картаси ёки бошқа ҳужжати кўрсатилганда;

туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ёки маълумотнома (бола Ўзбекистон Республикасида туғилган тақдирда) — фуқаролиги бўлмаган шахслар бўлган отанинг (ёлғиз отанинг ёки отанинг) Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси кўрсатилганда. (Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 13.03.2020 йилдаги ЎРҚ-610-сон 7-модда).

- **чет давлат фуқароси** — Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига эга бўлмаган, бошқа давлат фуқаролигига ва ўзининг бошқа давлат фуқаролигига мансублигига доир далилга эга бўлган шахс; (ЎРҚ-610 3-модда).

- **фуқаролиги бўлмаган шахс** — Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаб турган, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлмаган ва ўзининг чет давлат фуқаролигига мансублигига доир далилга эга бўлмаган шахс; (ЎРҚ-610 3-модда).

**юримдик шахс** — Ўз мулкида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулккий ёки шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот юримдик шахс ҳисобланади. Юримдик шахслар мустақил баланс ёки сметага эга бўлишлари керак. (ЎЗР ФК 36-модда).

- **ариза** — ҳуқуқларни, эркинликларни ва қонуний манфаатларни амалга оширишда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимос баён этилган мурожаат;

- **таклиф** — давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсияларни ўз ичига олган мурожаат;

- **шикоят** — бузилган ҳуқуқларни, эркинликларни тиклаш ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги талаб баён этилган мурожаат;

- **электрон мурожаат** — белгиланган тартибда ахборот-коммуникация технологиялари воситасида берилган, шу жумладан давлат органининг, ташкилотнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилган мурожаат, реал вақт режимида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда берилган оғзаки мурожаатлар бундан мустасно;

- **такрорий мурожаат** — айна бир жисмоний ёки юримдик шахсдан келиб тушган, унинг аввалги мурожаати юзасидан қабул қилинган қарор устидан шикоят қилинаётган ёки бошқача тарзда норозилик билдириляётган, шунингдек, агар такрорий мурожаат келиб тушган пайтга келиб қонунчиликда белгиланган кўриб чиқиш муддати тугаган бўлса, илгариги мурожаати ўз вақтида кўриб чиқилмаганлиги тўғрисида хабар қилинаётган мурожаат;

- **аноним мурожаат** — жисмоний шахснинг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар ёки юримдик шахснинг тўлиқ номи, унинг жойлашган ери (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилмаган ёхуд улар ҳақида ёлғон маълумотлар кўрсатилган мурожаат, шунингдек уни идентификация қилиш имкониятини бермайдиган электрон мурожаат ёхуд имзо билан тасдиқланмаган ёзма мурожаат;

- **мурожаатнинг дубликати** — айна бир жисмоний ёки юримдик шахс мурожаатининг кўчирма нусхаси;

- **оммавий қабул** — давлат органи раҳбарининг ёки бу борада ваколат берилган мансабдор шахсининг жисмоний шахслар ва юримдик шахсларнинг вакиллари билан оммавий учрашувларида мурожаатларни қабул қилишга доир ҳаракати;

- **сайёр қабул** — ички ишлар органи раҳбари ёки бошқа ваколатли шахслар томонидан муайян ҳудуд (вилоят, туман, шаҳар, қишлоқ, маҳалла, овул)даги сайёр шахсий қабуллар [4];

- **видеоконференцалоқа** — узоқда жойлашган бир нечта абонентларнинг реал вақт режимда аудио- ва видеоахборот алмашиш имконияти билан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда интерактив ҳамкорлик қилиши;
- **давлат иштирокидаги ташкилот** — устав фондида давлат улуши мавжуд бўлган тижорат ташкилоти ёхуд тўлиқ ёки қисман давлат органи томонидан ташкил этилган ёки таъсис этилган нотижорат ташкилоти.
- **Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхонаси** — Ўзбекистон Республикаси Президенти девони ишлар бошқармасининг Фуқаролар қабулхонаси негизда;

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари** — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонаси давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан мурожаатларнинг самарали кўриб чиқилишини ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тuzилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари юридик шахс мақомига эга бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари тизимини қуйидагилар ташкил этади:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхонаси;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги Халқ қабулхоналари;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг туманлар ва шаҳарлардаги (туманга бўйсунувчи шаҳарлардан ташқари) Халқ қабулхоналари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси келиб тушаётган мурожаатларни ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида қабул қилиш, тўплаш, таснифлаш ва тизимлаштириш, шунингдек уларнинг тўлиқ, ўз вақтида ҳамда сифатли кўриб чиқилиши устидан мониторинг ва назоратни амалга ошириш имконини берувчи ахборот тизими ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак профилактика инспекторларининг маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги мурожаатларни кўриб чиқиш фаолияти таҳлил қилинди. Таҳлилдан кўриниб турганидек, мурожаатларни самарали ва қонуний тарзда кўриб чиқиш жараёнида ҳуқуқий асосларнинг аниқлиги, аҳоли билан тўғри коммуникация ва тизимли мониторинг муҳим аҳамиятга эга.

#### Фойданилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси., <https://lex.uz/docs/6445145>
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 2017 йил 10 апрелдаги ПФ-5005-сонли Фармони. <https://lex.uz/ru/docs/3159827>
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2833-сонли “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори. <https://lex.uz/docs/3165013>
4. ИИБ Академиясинг «Ички ишлар органларида бошқару ва Ахборот-таҳлил фаолияти асослари» Дарслик.